


Ёшлар ўртасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддаларга қарши курашиш бўйича учрашув бўлиб ўтди.



Қумқўрғон тумани Маданият марказида Ёшлар ўртасида гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи препаратларнинг сунстеъмоли ҳамда ноқонуний айланиши билан боғлиқ холатларнинг олдини олиш, шунингдек, ОИТС га қарши кураш бўйича давра сухбати, маърифий учрашув бўлиб ўтди.

Унда туман ҳокимининг ўринбосари Нормўмин Алланазаров, туман Ички ишлар бўлими бошлиғи подполковник Одил Жиянов, туман прокурорининг ўринбосари Аббос Хуррамов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги Қумқўрг'он туман бўлими ва тумандаги уюшмаган ёшлар иштирок этди.

Мазкур учрашувда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига салбий таъсир кўрсатиши, кўпинча у уюшган жиноятчилик билан узвий боғлиқ бўлиши унинг ижтимоий хавфлилигини янада ошириши, айниқса, мазкур гиёхвандлик воситаларидан жабр кўрувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этаётганлиги таъкидланди.

Тадбир кенг кўламли, мунозараларга бой тарзда бўлиб ўтди. Йиғилганлар мавзу юзасидан бой таассуротга эга бўлдилар.